ҚАДИМИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА УЛАРГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ

Х. ЖАББОРОВ

В статье рассматриваются особенности использования лексических единиц, относящихся земледельческой культуре, в письменных источниках древности.

Тарихдан маълумки, инсоният тамаддунининг қадимги марказлари пайдо бўлиши ва ривожланишида деҳқончилик маданияти муҳим омил бўлган. Дунё цивилизациясининг қадимий марказларидан бири бўлган Шарқда деҳқончилик маданиятининг генетик асослари ва шаклланиши, ривожи суғорма деҳқончиликка асосланганлиги билан ажралиб туради. Бу борада айтиш жоизки, Ўрта Осиё заминидаги энг қадимги деҳқончилик маданияти Жайтун маданияти бўлиб, милодгача бўлган 6-4 минг йилликларда шаклланганлигидан далолат беради [1.91].

Биз қуйида Жанубий Ўзбекистон воҳаси (ЖЎВ) нинг қадимий деҳқончилик тарзи, деҳқончилик анъаналари ва уларга оид сўзларнинг ёзма манбаларда қўлланиши тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

ЖЎВ нинг қадимий деҳқончилик анъаналарига оид сўзларнинг ёзма манбаларда қўлланишини, қолаверса, деҳқончилик тарихини ўрганиш тарихнинг турли босқичларида халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши тарихи муаммоларини илмий таҳлил қилишда ғоят муҳимдир. Чунки бу соҳага доир сўзлар тарих даракчиларидир.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ЖЎВнинг қадимги деҳқончилик маданияти, анъанавий деҳқончилик хўжалиги ва у билан боғлиқ тарих, археология, этнография ва бошқа соҳалар тарихчи, археолог, этнограф олимларнинг диққат-эътиборида бўлиб келган ва бу борада мутахассисларнинг олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида кўпгина амалий натижаларга ҳам эришилган.

«Насафда ўрта асрларда илм-фан тараққий этиб қолмасдан, қишлоқ хўжалиги ҳам барқ уриб ривож топган. IX асрга оид Насаф қудуғи очиб тозаланганда, **ундан *бир чаноқ пахта, чигит, қовун, тарвуз, узум, кади*** ва бошқа полиз экинлари уруғлари чиққан. Бу Насаф теварак-атрофида деҳқончилик ривожланганлиги, маҳсулотларнинг эса Насафда сотилганлиги, қайта ишланганлигини кўрсатади» [16.6].

Қадимги туркий «Фолбинлик китоби»да, – деб ёзади тилшунос Р. Дониёров: «Шундай мисралар бор: ***Aki okuzud, bir bokars yka kolmis***. Бу жумланинг маъноси қуйидагича: «Икки ҳўкизни бир қўшга қўшдилар». Демак, ***bokars yk*** бевосита «механик меҳнат воситаси»нинг номи. Бу термин, биринчидан, қайд этилган даврда ҳам туркий халқлар деҳқончилик билан шуғулланганликларини аниқ тасдиқласа, иккинчидан, илгаригига нисбатан бирмунча мураккаб қуролларнинг реал мавжуд бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди [2.26].

Даврлар кечиши билан ЖЎВ да истиқомат қиладиган аждодлар ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлиб боради. Эрага қадар бўлган III–II минг XII йил-

икларда Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби ЖЎВ да ҳам ибтидоий деҳқончилик нишоналари пайдо бўла бошлайди. Ботқоқ ерлардан мунтазам суғориладиган ерларга ўтилиб, ерга ишлов бериш, ҳайдаш, экиш тажрибалари ҳосил бўла бошлайди [3.22].

Маълумки, оташпарастликнинг муқаддас китоби, «Авесто»да илк деҳқончилик билан боғлиқ ғалла экиш, ерни суғориш, ҳайдаш каби жараёнларга кенг ўрин берилган. «Авесто»нинг жуда кўп ўринларида ҳосилдорликни оширишдаги асосий омиллардан бири ернинг захини қочириш, шўрини ювиш деб маслаҳат берилади. Зардуштийларда яхлит бир деҳқончилик маданияти яратиш учун махсус ирригация тизими ва ер майдонлари жамоа аъзолари ўртасида тартибли тақсимланишига амал қилинган. Шунингдек, «Вендидод»да таъкидланишича, узоқ вақт экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу оила қуриш, қиз фарзанд кўришни хоҳлагани сингари, ҳайдалмаган ер ҳам қўшчини кутади.

«Авесто» да ёзилишича, **«*кимда-ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкларга кўтаради. Қачонки, эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан тура бошлайдилар. Қачонки, буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатлардан титрай бошлайдилар. Қачонки, буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар*»** [5.114-115]**.**

Маълум бўладики, «Авесто» пайдо бўлган даврда ғалла экиш, дон етиштириш, умуман, деҳқончилик маданияти етарли даражада ривожланганлиги учун бу соҳага доир кўплаб сўзлар қўлланилган.

Илк темир даври Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари билан узвий боғлиқдир. Кейинги йилларда ўтказилган қазиш ишлари темир буюмларнинг тарқалиш ареалларини янада кенгайтирди. Анов ва Далвирзин, Даратепа ва Қуйисой топилмалари милоддан аввалги VII асрга мансуб бўлиб, улар Жанубий Туркманистон, Қашқа ва Сурхон ҳамда Зарафшон водийларида темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигини исботлайди. Улар асосан темир пичоқ ва ўроқлардир.

Шу тариқа ЖЎВда илк темир давридаёқ суғориладиган деҳқончилик водийлари вужудга келади ва у, энг аввало, воҳанинг тоғ олди туманларида қарор топади [6.23].

Маҳмуд ибн Вали (XVII)нинг ёзишича, ғаллачилик, ўзининг аҳоли кундалик ҳаётида тутган ўрнига кўра, барча деҳқончилик турлари орасида етакчи мавқега эга бўлган. Шаҳрисабзда ғалладан яхши ҳосил олинганлигини алоҳида таъкидлайди [7.180]. Манбаларда Шаҳрисабз атрофида, шунингдек, Ертепа, Ҳамадон ва Чимқўрғон қишлоқлари орасида кўплаб экинзор далалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

XI асрнинг охирлари XII асрларнинг бошларида туркий уруғ қабилаларнинг умумтуркий тилда сўзлашуви у даврлардаги ёзма ёдгорликларда акс этган. Бу даврларда деҳқончиликка оид баъзи сўзлар параллел равишда туркий, мўғул, эроний тилларда ишлатилган.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан М. Кошғарийнинг ДЛТда деҳқончиликка алоқадор қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: ***алаң –*** текис майдон (I,154), ***табїзғ –*** тузли, шўрхок ер (I,345), ***қазїндї тупрақ —***қазилган тупроқ (I,420), ***ўгітчі –*** буғдой ва бошқа донларни янчувчи кимса (I,85), ***орғақ –*** ўроқ (I,141), ***азрї –*** айри – буғдой совуриш учун қўлланадиган асбоб (I,146), ***тарїғчї –*** дон экувчи деҳқон (III,260), ***кэтмän –*** ер чопиладиган асбоб (I,416), ***бојундуруқ –*** бўйинтуруқ. У ёғочдан махсус шаклда ясалиб, қўш ҳўкизларнинг бўйинларига солинади (III,194), ***тарїғ –*** буғдой – бу кўпчилик турк қабилаларида. Фақат ўғўзлардагина тариқ маъносидадир. Бу янглишдир. Булар буғдойни **ашлїқ** дейдилар (I,354), ***арпа –*** арпа: ***арпас їз ат ашумас –*** арпасиз от қир ошолмайди (I,144), ***амач –*** омоч, ***арїқ*** – наҳр, бу сўз шу мақолда ҳам келган: ***ағїлда оғлақ туғса, арїқда отї ўнäр –*** молхонада бузоқ туғилса, ариқда ўти чиқади (I, 96), ***ағіз*** – ариқ оғзи, (I, 88), ***эскў*** – элак, ғалвир (I, 149), ***буғдај –*** буғдой ; мақолда шундай келган: ***буғдај қатїнда сарфач сувалар*** – буғдой орқасидан қорамуғ ҳам сув ичади. Барсағанликлар ***буғдај*** деб талаффуз қила олмайдилар, улар ***будғај*** дейдилар (Ш, 258), ***даңал*** – арпа буғдойлар ўрилгач, боғланган боғи (Ш, 394), ***кэркі*** – ўроқ ранда (I, 405), ***кэтмän*** – кетмон, ер чопиладиган асбоб (I, 416), ***тэрїңўк –*** сизинди сув,(II, 335)***, көсгўк –*** ғаллазорларда, токзорларда кўздан (қуш ва бошқа ҳайвонлардан) сақлаш учун тиклаб қўйиладиган одам шаклидаги қўриқчи (II, 334), ***орғақ*** – ўроқ (1,141), ***ақїттї – ол суw ақїттї*** – у сув оқизди (I, 219), ***өртгўн*** – арпа, буғдой ғарами (III, 419), ***сабан –*** қўш, қўш ҳўкиз,омоч, бўйинтуруқ. Бу сўз қўш билан ер ҳайдаш маъносида ҳам қўлланади (I, 382), ***сағїзлїғ јэр –*** соғ тупроқлм яхши ер (I, 456), ***уруғ –*** уруғ, ҳар бир нарсаниг уруғи (I, 95), ***ўгїт*** – буғдой ва ун кабиларни янчиш (I, 85), ***чїғрї*** – тегирмон парраги (1, 397); ***чігіт –*** пахта уруғи, чигит (арғуча) (I, 337), ***қазуқ арїк*** – қазилган, (I, 363), ***қајір –*** I) туркий халқларда юмшоқ ер 2) қум (ўғузча) (Ш, 180), ***кағун –*** қовун (I, 388) ва бошқалар.

асрлардан бошлаб, деҳқончилик терминлари ёзма манбаларда кўпроқ учрайди. XIII ёзма ёдгорлиги М.Замахшарийнинг «Муқаддимат–ал адаб» асарида қуйида деҳқончилик терминларини мисол сифатида келтириш мумкин: ***арбай –*** арпа***, атыз*** – жўяк, ***бўғдой, јер*** «ер», ***су ердін чыкды*** – «ердан сув чиқди», ***ун этти бугдайны*** – бўғдойни ун қилди***, теғирмен –*** «тегирмон», ***йимиш –*** мева, ***йумшакъ йер –*** «юмшоқ ер» ***йаш арпа –*** «ёш арпа», ***гудуг –*** «қудуқ» ***топрак зенбили –*** «тупроқ ташиш учун ишлатиладиган замбил***», арык башы*** – «ариқ боши», ***ајагы –*** «канал охири», араба– «арава» [8] ва бошқалар

Абу Ҳайённинг «Китаб ал-идрок ли-лисон ал-атрок» асарида қуйидаги деҳқончилик терминларини учратиш мумкин: ***арпа, алма, ариқ, армут*** (беҳи***), ашлык*** (бўғдой), ***эк, экин, бошоқ, бугдай // буйдай, бутоқ, тайирман, йапрак*** (барг***), йэмиш*** (мева), ***кашур*** (сабзи), ***карпуз*** (тарвуз), ***курэк*** (курак), ***казун*** (қозон), ***куйу*** (қудуқ).

Туркча–арабча луғатда «Китаб-у меджму-у терджуман тюрки ва аджеми ве моголи ве фарси» (Қаранг; Курышжанов А. Исследование по лексике тюркско-арабского словаря. Алма-Ата: Наука, 1970. –233 с.): ***арпа*** (86), ***бойундуруқ*** (99), ***бугдай*** (100), ***булак*** (101), ***бутақ*** (103), ***екин*** (III), ***екинчи*** (III), ***ерик*** (ўрик) (113), ***тайирмен*** (198), ***топрақ*** (204), ***хырман*** (216).

«Таржумон» XIV аср ёзма обидаси»даги деҳқончиликка оид қуйидаги сўзлар ҳам бу соҳанинг қадимийлигидан далолат беради: ***йәр –*** ер, макон, манзил; ***су –*** сув; ***әкин –*** экин; ***әкинчи –*** деҳқон; ***сабан –*** омоч; ***бойундуруқ –***бойинтуруқ; ***вурақ –*** ўроқ; ***тарла –*** экин экиш учун ҳайдалган ер, дала; ***урлуғ –*** уруғ; ***будай –*** буғдой, буни ***бўғдай*** ҳам дейилади; ***тары –*** тариқ, ***тобрақ –*** тупроқ; ***қайыр –*** шағал, майда тош; ***бутақ –*** бутоқ, шох; ***чыбық –*** чивиқ, новда; ***йыбылдырық –*** япроқ, барг; уни ***йабрақ*** ҳам дейилади, бу ўзбекча; ***хырман*** – хирмон ўзбекча, форс тилидан олинган; ***тармавуч –*** панжали хаскаш; ***курәк –*** ғаллани элаш учун ишлатиладиган асбоб; ***арба –*** экинларни ташиш учун ишлатиладиган арава, буни ***қанлы*** ҳам дейилади; ***кувук –*** сомон, поя, ***салам*** ҳам дейилади, ***саман*** деб ҳам юритилади, (кейингиси) туркманча; ***арпа –*** арпа, ***бурчақ –*** нўхат, ***тутурған –*** гуруч, шоли (Қаранг: «Таржумон» 1980, 32–37).

Шундай қилиб, ЖЎВ деҳқончилиги араблар ва мўғуллар босқини даврида бирмунча оғир ва машаққатли кечган бўлса, темурийлар даврига келиб ўнгланган.

Қадимиятнинг тарихий, этнографик ва ёзма манбаларидан маълумки, А.Темур Ўрта Осиёда XIV–XV асрларда ерга мулкчиликни, ўзига қарашли ер-мулкларини ҳар томонлама обод ва юксак даражага кўтариш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилган.

Яқин ва Ўрта Шарқда XIV–XV асрларда Ўрта Осиёда феодал ер эгалиги, ерга мулкчилик муносабатлари тарихи яхши ўрганилган. Бу соҳада кўпгина тарихчи олимларимизнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Жумладан, П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский. Б. Аҳмедов, К. Шониёзов, Р. Сулаймонов,

М. Абдураимов, Н. Маҳмудов, П. Равшанов [9-16] ва бошқа олимларнинг ишларини айтиш мумкин. Бу ишларда кўплаб деҳқончилик анъаналарига доир сўзларни учратиш мумкин.

Уларнинг ишларида ерга мулкчилик муносабатларида феодал ер эгалигининг категориялари сифатида ***давлат ерлари, вақф ерлар, мулки девон, мулкий ерлар, суюрғол ёхуд тархон ерлар, иқто ва танҳо*** каби номлар билан аталганлиги, бу ерларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, қарашлилик белгилари ва ўлчовлари тарихий йўналишларда ёритилганлиги билан алоҳида қимматга эга.

Аммо шуни айтиш ўринлики, кузатишларимиз Темурийлар даврининг деҳқончиликка алоқадор лексикаси ўрганилмаганлиги, лингвистик нуқтаи назардан махсус тадқиқот объекти бўлмаганлигини кўрсатди.

Амир Темур «Темур тузуклари»да деҳқончилик қилиш ер ва сувга муносабат, олинган ҳосилдан ундирилган солиқлар ҳақида фикр юритар экан, қуйидагиларни ёзади: Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан амну омонликда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда хирожни тузукка мувофиқ йиғсинлар. Булардан ташқари ***кузги, баҳорги, қишки ва ёзги*** деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан (солиқ олишда) учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар. Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган жон солиғи, касб-ҳунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқдан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб-қоидага амал қилсинлар. Бордию бунга раият рози бўлмаса, бори–бўлганича иш тутсинлар [17.98-99].

«Темур тузуклари»да деҳқончиликка доир сўзлардан баъзи намуналар келтирамиз: ***кориз*** (98) **–** ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот, ***жариб*** (98) **–** 958 кв. м ҳажмдаги ер, ***мисқол*** **(**99) **–** оғирлик ўлчови бўлиб, бир қадоқнинг 84 дан бир қисми (тахминан 4,8 гр), ***холиса***

(72) – давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи олий мансабдорлардан иборат ҳайъат, ***деҳқон*** (96) – ер эгаси, ***мўзорион*** (96) – экин майдонларига ишлов берувчилар, ***мулк*** (89) – подшолик, давлат, мамлакат; ***катхудо*** (74) – қишлоқ, жамоа оқсоқоли ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг деҳқончилик анъаналари ва уларга оид сўзлар қадимий тарихга эга бўлиб, бундан 3000 йил муқаддам ЖЎВ заминида гуллаб яшнаган ва аждодларимизнинг асосий машғулотларидан бири бўлган. Бундай ўзгаришлар натижасида деҳқончилик анъаналари ва уларга оид сўзлар қадимий ёзма манбаларда қўлланган ва муҳрланиб қолган. Чунончи***: тариқ, тариқчи, зироат, зироатчи, деҳқон, экмоқ, экин, экинзор, экинчи, дала//тала, марза, пол, пайкал, ангор, пахта, чигит, буғдой, қовун, тарвуз, қайир ер, омоч, қўш, қўшчи, ҳўппи, бўйинтуруқ, гаврон, мола, борона, ўроқ, кетмон, бел, чалғи, сўқа, паншаха*** кабилар.

Шундай қилиб, қадимий ёзма манбалар шундан далолат берадики, бугунги деҳқончилик анъаналари билан алоқадор сўзлар тилимиз луғат таркибида бирдан пайдо бўлмади. У жуда узоқ даврлар давомида шаклланди. Ўзбек халқининг қадимги аждодлари қайси даврдан бошлаб деҳқончилик билан шуғулланган бўлса, ўша даврлардан бошлаб деҳқончилик анъаналари билан боғлиқ сўзларни нутқларида ишлата бошлаган.

Адабиётлар:

1. Антонова Е. В. Обряды верования первобытных земледельцев Востока.- М., 1990
2. Дониёров Р. Ўзбек тилининг илмий–техникавий терминлари тарихидан. – Т.: Фан, 1973
3. История археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968
5. Авесто. Тарихий–адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2001
6. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII– XII вв. – Т., 1984
7. Қадимги Кеш - Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1998
8. Поппе Н.М. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. I–II.- М.–Л.: 1938
9. Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских Шейхов.- М.–Л.: Изд. АН СССР, 1954
10. Якубовский А.Ю. К вопросу о этногенезе узбекского народа. – Т.: Наука, 1941
11. Аҳмедов А. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. – Т.: Фан, 1962
12. Шониязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: Шарқ, 2001
13. Сулайманов Р. Древний Нахшаб. –Т.: Наука, 2000
14. Абдураимов М. Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах Эмира Хайдара. –Т.: Наука, 1961
15. Махмудов Н. Зироаткори ва муносабат ҳои аграри дар осиёи миёна дар асрҳои XIV–XV. – Душанбе: Дониш, 1966
16. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995
17. Темур тузуклари. / Форсчадан. А.Соғуний, Ҳ.Кароматов таржимаси. – Т., 1991

Қарши давлат университети
2011 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)